

# Kuch - adolatda Adolat

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi


1995 yil 22 fevraldan chiqqan boshlagan 2002 yil 22 fevral juma № 8 (347) sotuvda erkin narxda

● Ижтимоий масалаларга устувор аҳамият бериш, бу борада фаол, энг муҳими, кучли ва самарали сиёсат олиб бориш ҳақида бизнинг диққат марказимизда бўлиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади, албатта. Бу - бутун сиёсатимизнинг, ўтказилаётган ислохотларнинг барча босқичларида доимий ва изчил амалга оширилиши лозим бўлган асосий йўналиш бўлиб қолиши керак.  
Ислом КАРИМОВ.

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

21 февраль куни Термизда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Сурхондарё вилояти мамлакатимизда ўзига хос салоҳиятга эга, деди давлатимиз раҳбари. Унинг унумдор тупроғи, бир йилда уч бор ҳосил олиш имконини берадиган қўлай табиий иқлим шароити, ер ости ва ер усти бойликлари, энг муҳими, меҳнатсевар одамлари бор. Вилоятда ўтган йили янги маҳсулот ишлаб чиқариш даражаси 8 фоиз ўсди. 320 минг тонна галла тайёрланди, бу соҳадаги режа орғиси билан бажарилди ва бошқа соҳаларда ҳам муайян натижалар қўлга киритилди.



Уйчи тумани ҳокимлиги кейинги йилларда фермер хўжаликлари санини кўпайтиришга алоҳида аҳамият бермоқда. Бу ўз навбатида тармоқни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунинчи, «Аббос ота» фермер хўжалиги фаолияти фикримиз далили бўла олади. Тадбиркор Раҳимберди Турғунов бошлиқ бу жамоада 80 бош қорамол парвариланмоқда. 25 бош сигирнинг 18 боши соғин сигирлардир. Ҳар бошидан кунига 7-8 литрдан серкаймоқ сут соғиб олинмоқда. Уларнинг парвариши ва озиклантириш ишлари зооветеринария талаблари асосида ташкил этилмоқда. Фермерлар бу йил 5 тонна гўшт, 72 тонна серкаймоқ сут етиштиришга аҳд қилганлар.  
СУРАТЛАРДА: илғор чорвадорлар Маҳмудхон Қаюмова ва Носиржон Тўрабоев.  
Г. ИБРОХИМОВА олган суратлар.

## Солиқлар - бунёдкорлик асоси

### ҚОНУНБУЗАРЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ - ДОЛЗАРЪ МАСАЛА

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги 291-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурда солиққа оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти ва унинг ҳудудий тармоқлари ташкил этилган эди. Аввал хабар қилганимиздек, мазкур Департамент органларининг 2001 йилнинг июль-декабрь ойларида амалга оширилган ишлари яқини ва келгусидаги устувор вазифаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Бош прокуратуранинг масул ҳодимлари, Департамент органларининг бошқарма ва бўлим бошлиқлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этидилар. Йиғилишда таъкидланишича, солиқ қонунчилигини мустаҳкамлаш борасида Департамент органлари томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Департамент органларининг иши кўриб чиқилган ва қўзғатилган жиноий ишлар сонига эмас, балки энг аввало профилактикага ва ҳуқуқ тарғиботи ишларининг самарадорлигига ҳамда ундирилган зарар миқдorigа қараб баҳолашни назарда тутиб, Департамент органлари ходимлари фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, солиқларни тўлашдан бош торғатилик, иқтисодий ҳамда солиқ соҳасида содир этилган жиноятлар учун жазонинг муқаррарлиги тушувчанлиги тарбиялаш борасида мунтазам равишда солиқ тўловчилар билан учрашувлар ўтказишди.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Т.Ў.Қодировни Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ:  
Тошмирзо Ҳасанов Қодиров Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2002 йил 21 февраль.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Б.М.Олимжоновни Сурхондарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Бахтиёр Мамажонов Олимжонов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Сурхондарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2002 йил 21 февраль.

## ТАСКИН

### НУРГА ЙЎҒРИЛГАН ЗИЁРАТТОҲ

Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманидаги имом Исmoil ал-Бухорий масжид-мақбараси Мукаддас Ҳаж зиёрати ва Қурбон ҳайити кунларида янада улугворлик касб этмоқда

Тўрт тарафи баланд, нақшдор деворлар билан ўралган масжид қўрғони ичра ажиб ҳосият жамлангандек. Ҳовли саҳнидаги ёши асрларга тенг чинор, тошлар бағридан сирқираб чиқиб шаффоф ҳовузга қўйилган булоқ суварли, қўйининг тонги, илк нурларини ўзда жилолантирган ноёб онико ва мақбаранинг илғим гўмбазлари... Ҳаммасида киши руҳиятига таскин берувчи улугворлик, соҳр-жоhiba ва рўшнолик мужассамдек.

Шу босқиндан бу муқаддас маконни тавоф айлаб яшиллик зибидини баҳраманд бўлишни иштиёр этганларнинг кети узилмайди. Неча юзлаб, минглаб чакирин йўл босиб муқаддас удуларимизга меҳр-оқибат кўрсатиб, ҳалол-покизаликни, тўғриликни, мўмин мусулмончилигини ёлқан ҳорижлик меҳмонларнинг ҳам саногий йўқ.

## ЕТТИ ЮЛДИМ САДОСИ

● НАТО кенгаши Македонияда ўтказилаётган «Қаҳраболо тулки» (Янтарная лиса) операциясининг муддатини уч ойга, яъни 26 июнга қадар узайтириш ҳақида қарор қабул қилди.



СУРАТДА: имом Исmoil ал-Бухорий зиёратгоҳида.

собиқ подшоҳ Зоҳир Шоҳнинг ўрдамчиси бўлиб ишлаган Залмай Расул эңдиликда ҳаво транспорти ва сайёҳлик вазирлиги сифатида иш олиб боради.

рори Владимир Устинов «Курск» атом суовости кемаси фожеаси ҳақидаги яқиний ҳулосани маълум қилди. Айнан бу иш билан шуғулланган махсус комиссияга 2000 йил августидан бошлаб Илья Клебанов раҳбарлик қилган бўлиб, у «Курск» билан ҳорижий кема тўқнашиб кетган, дея бир неча бор айтган эди. Аммо, Устинов Мурманскдаги чиқшида «Курск» ҳеч қандай ҳорижий кема билан тўқнашганини айтди. Унинг фикрича, атом суовости кемасининг ҳалоқатида Шимоллий флот ҳамда «Курск» экипажининг ўзи айдор.

## Ўзбек феълли

### ДАРАХТДАГИ ТОВУС

ёҳуд Саид Аҳмад акадан аразаб юрган «мировой аёл» ҳақида

Бувайдага йўли тушган одам борки, туман марказининг шундоққина бикинидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигининг «Боги Эрам»ни кўрган ёҳуд у ҳақда эшитган бўлиб чиқади. Чиндан ҳам богимсан-бог-да. Таърифига тараф йўқ. Не-не мўътабар зотлар қўниб ўтмаган бу жаннатмонанд жойга. Гофур Гулом, Абдулла Қаҳҳор, Шароф Рашидов, Қори Ниёзийлардан тортиб Саид Аҳмад, Озод Шарафиддинов домла-ларгача - барчаларини соғинч билан эслашди бу ерда...

Истарали, очик чеҳра ва ҳушмуомалалиги, эуколлигию беазир пазандалиги билан эл таърифини қозонган Санобархон ая Мадерова қарийб ўттиз йилдириқ, ана шу гулшаннинг узгармас маликаси. Бу атофларда меҳмон кўтиб олиш-у, «қўйдиришди-да», дастурхон тузашда у билан ҳеч қим баҳслаша олмайд.

Санобархон аянинг ўзлари каттагина серфиз оилага бош. Уғил-қизлари, келинлар неваралари тўпланишса, ҳовлиси тўйхона бўлиб кетади. Болалари: «Энди дам олсангиз ҳам бўлар, ишни йиғиштиринг» деб қолдуг бўлишса, Санобархон аянинг «Боги эрам»дан ажраллиси келмайди. Боз устига, унга ҳаво беришармиди-я.

«Хо-ов бирда, Санобархон аянинг «Энди шунча йил ишлаганим етар. Невараларим билан овунадиган пайтим келди» деганини эшитиб, хўжалиқ раҳбарлари патирлаб қолди. «Биз уни зудлик билан хузурига қорлаб, «Оз-моз чарчаган кўринмасиз, ҳордиқ чикаринг. Мана сизга пўтёкча. Чортоққа борсангиз» деб қолди.

Солиқ КАҲХОР, Фаргона.



ҚУРБОН ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Қурбон ҳайити мусулмон оламидининг энг катта, энг азиз байрамидир...

янгилашгандай, покликка буржангандай бўлади. Қурбон этган кишилар Аллоҳнинг ризиолигини истаб...

Хамма бир-бирини табриқлайди, гиналар унутилади. Қизалоқлар намозга кетган оталарининг...



— Юртимиз тинч, элимиз омон, турмушимиз фаровон бўлсин!..

ПАЙГАМБАРИМИЗ ВАСИЯТЛАРИДАН
— Ҳали, олимда уч фазилат бор: тўғри сўзлайди, харомдан сақланади, одамлар билан мол-дунё орттириш ниятида эмас...

Жума ўғитлари ОТА-ОНА ДУОСИ...

Абу Хурайра айтди: Расулulloҳ: «Уч тоифа кишиларнинг дуоси ҳеч шубҳасиз Аллоҳ Таоло қошида мақбулдур...

БЕТОБНИ ЙЎҚЛАГАН КИШИ...

Жаъфар ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳакам айтди: Абу Бакр ибн Жуъъ ва Муҳаммад ибн ал-Мунқадирлар масжид ахларидан бир неча кишилар билан Умар ибн ал-Ҳакам ибн Рофъал-Ансорийнинг бетобликларини сўраш учун бориб...

АРАЗЛАБ ЮРМАНГ...
БЕВАФО ДЎСТ
Бир гуруҳ одам шундай ҳикоя қилганди:
— Ҳоразмга сафар қилганимда бир киши менга йўлдош бўлди. Уни едириб-ичириб юрдим. У менга муҳаббатини, самимий дўстлигини тинмай сўзларди. Бизга бир ит ҳам ҳамроҳ эди. Мен итга нон, суяк бердим.



Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозларнинг Давлат Марказий депозитарийси меҳнат жамоаси мамлакатимизнинг барча мусулмон аҳлини «Ийд ал-Адҳа», яъни Қурбон ҳайити билан самимий табриқлайди

Яратгандан юртимизга мустаҳкам тинчлик, хонадонларга осойишталик, тўкин-сочинлик, ҳамда бахт-саодат тилайди.
Қутлуғ Йўл ал адҳа — Ҳажжжи Байтуллоҳ, Сизга азал-абад ҳур қарақ бўлсин! Саодат ва сано, сахо айёли — Қурбон ҳайитингиз муборақ бўлсин!

ҲИСОБ-КИТОБ
Бу дунёда ҳамма нарса рақамлар билан ҳисобланади, дейдилар. Тўғри гап. Аммо икки масалада ҳисоб-китоб кетмайди.

Ривоят
БЕВАФО ДЎСТ
Бир гуруҳ одам шундай ҳикоя қилганди:
— Ҳоразмга сафар қилганимда бир киши менга йўлдош бўлди. Уни едириб-ичириб юрдим. У менга муҳаббатини, самимий дўстлигини тинмай сўзларди. Бизга бир ит ҳам ҳамроҳ эди. Мен итга нон, суяк бердим.

эса бир ўғрини оёғидан тийлаб олиб йиқитди, талади, ўғри зўр-базўр қочиб кетулди. Йиқитгани ўғрини мен мағлۇб қилдим, у ҳам қочиб кетишга мажбур бўлди. Шундай қилиб итнинг ёрдами билан ўғирлардан қутулдим.

ОЛИМ БЎЛСАҢ, ОЛАМ СЕНИКИ
Жаҳонғашталиқ олимларга хос фазилат. Исмоил имом Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Махмуд аз-Замаҳшарийлар илм излаб олам кезганлар.

БАШОРАТ ВОЖИБ БЎЛДИ
Бир гуруҳ адилларнинг мушоирасида улардан бири: «Қани энди Навоий дастхатининг асл нусхасини топсак»...

ТУШИМДА КЎРСАМ ЭДИ...

Бугунги кунда ўзининг табаррук 70 ёшини нишонлаётган Суййма Ғаниеваннинг тушлари ҳақиқатга жуда яқин. Шунинг учун ҳам уларни тасаввур этганда, сарфдошлари, ҳам касблари ва шогирдларига ҳақов қилиб берганда ростидақ тусуллади.

хазина, мўжизанинг ўзи эди. Ахир Пушкиннинг бири ярим қатор автографи топилса, энг йирик олимлар икки кун конференция қиларди. Тўғри, Пушкин даҳо. Навоий-чи? Ўзбекистон халқ шoirи Эркин Воҳидов «Менга Пушкин бир жаҳон-у, менга Байрон бир жаҳон, Лек Навоийдек бобоим бор...» дегани аини ҳақиқат. Қўлемзага тиклилар эканман,

НАВОИЙНИНГ ДАРДЛИ АРМОНИ
Тақдир тақозоси билан Ҳазрат Навоийга Ҳаж сафарига бориш насиб этмаган. У халқ билан султон Хусайн Бойқарога ўртасида ўзига хос «кўприк» бўлиб хизмат қилган.
ОРЗУГА АЙБ ЙЎҚ
Бу дунё умидли дунё. Шунинг учун ҳам инсон доим умид билан яшайди, токи тирик экан, нимадандир умидвор бўлади.

Пахтачи туманининг «Қарноб ота» кишлоғидаги 52-мактаб-интернатга киришимиз биланок таърифимизнинг боисини аниглаб етган жамоанинг топағонлигига қойил қолдик.
— Директоримизнинг устидан ёзилаётган шикоятларга тушунтириш хатлари тайёрлаш жонимизга теғди, — деди ҳисобчи М. Бобоева. — Икки йилдан буён аҳвол шу. Бизни текширмаган ташкилот қолмади. Энди газетамга ёзилибди-да. Агар директоримиз Мухтарам Ҳимматов ва улар айтганчалик ноқобил бўлганида жамоамизнинг ўзи масаласини хал қилиб қўйган бўларди.

оқибати, — деди мактаб директорининг ўринбосари Ҳазрат Комилов. — Ўзим кўп йиллардан бери шу ерда ишлайман. Аммо Мухтарам Ҳимматовачалик ҳеч ким мактабга қайгурган эмас. Мана, у 1996 йилдан буён мактаб-интернатимизда директор бўлиб

учин олиб-югурмоқда. Ҳаммамизни ахилликка, ҳамкам бу хатда кейинги йилларда ўқув масканининг ҳаёти билан танишиб қатор ўзгаришларнинг шохиди бўлдик. Ўқув масканида кейинги йилларда кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш, ўқувчилар-

«МЕВАЛИ ДАРАХТ» унга тош отилиши табиий

ишляпти. Аммо шу давр ичиди анча ишларни қилишга улгурди. Шикоятчилардан бири Салима Сатторованинг ўзини олайлик. Бир пайтлари у мактабимизда директорлик қилган. Шундай экан, раҳбарликнинг бор машаққатларини у яхши эйтиши керак эди. Афсуски, ҳозир бунинг акси бўлмоқда.

нинг билими ва қобилиятини устиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қўшимча равишда йўлга қўйилган машгулотлар йилгит-қизларнинг қатор фанларини чуқур ўзлаштиришлари йўл очаяпти. «Моҳир қўллар», «Ёш мусаввир», «Ғунча», «Фольклор» гуруҳларида ёш истеъдодларимиз ўзларининг махоратларини намойиш этишмоқда. Вақоланчи, бундан олти йил аввал мактабимизда бундай қулайликлардан ном-нишон ҳам йўқ эди.

Келин бўлиб тушганимга икки ой бўлди-ю, шу хонадонда яшаган кунимдан бошлаб сизни ҳар сонияда кўрмоқчи йилмаман. Мен сиз билан ҳар бир юмушини, дилимда уйлаб, тилимга чиқармоқчи бўлган сўзларимда хайлан маслаҳатлашаман.
Онажон! Бошимни ёстиққа ҳорғин қўяман, ўзимни нечоғли ухламоққа чорламай бунинг улдасидан чиқолмайман. Нега ахир? Чунки сизнинг нулли сиймонгиз кўз ўнгимдан кетмайди.

Онажон, бугун мен жуда толиқдим. Агар сиз толиққан қизингизни бугун кўрганганимизда эди. Эрталабча мижажа қоқмай, атрофимда гирдиқалапак бўлиб айланиб, ўзингизни қўйиб жой тополмай қолган бўлардингиз.
Қадамимлар қиз болани ота-онасига меҳрибон бўлади дедиб айтганлари ҳақ экан. Қиз бола нега ота-онасига меҳрибон бўлади. Мен тасаввуримга сиғдирган нарса шу бўлдики, узатилган қиз бошқа хонадонга бориб тушганидан сўнг, у хонадондагилар меҳрини қозониб яшайди.

ОНА ҚАДРИ
мам кучайди. Йўталим кўпайиб, тез-тез аксира бошладим. Иситмани туширадиган дори ичдим. Иситман пайсага гандек бўлди-ю, аммо йўталим тўхтамади.



Уч аср билан юзлашиб бугунги кунда роҳат-фароғатда турмуш кечириётган хизматчи Хамрокул ота Мўминови кўпчилик хурмат қилади. Турмушининг аччиқ-чучугини тортиган, ҳаётнинг қатор қийинчиликларини бошидан ўтказган бу отахон 103 ёшида фарзандлари, невараларига, эвараларининг ардоғида тинч-фаровон турмуш кечирмоқда. Хукуматимизнинг ўзига ўхшаган қарияларга яратган қатор қулайликларидан баҳраманд бўлади.

### Спорт «ПАХТАКОР»ДА ЯНГИ МУРАББИЙ ВА ЯНГИ ҲИМОЧИЛАР

«Пахтакор» футбол жамоасининг бош директори Аваз Муталов кун кеча бўлиб ўтган матбуот анжуманида Виктор Жалиловнинг жамоанинг бош мураббийи этиб тайинланганини маълум қилди. Эндиликда Тачмурод Агамуродов унинг масъулиятчи сифатида иш олиб боради.

### Газетхон илҳоми

#### ҚАШҚАДАРЁ

Фасли баҳор табиат ҳам уйғонади, Гузаллигин кўрган кўзлар қувонади. Қир-адирларда қизгалдоқлар ёнади, Жондан азиз, она юртим Қашқадарё.

Авлодларнинг ўтган ёр Турон – Туркестон, Улуғ Темур киндик қони томган макон. Шухратининг тан олгандир бутун жаҳон, Кутлуг дийр, ота юртим Қашқадарё.



Тогларидан эриб музлар бўлар дарё, Шаҳри Кешдек азим шаҳарин билар дунё. Таърифнинг Қушод Усмоғ кўп махлиё Жаннат макон Қашқадарё, Қашқадарё. Қушод УСМОН.



Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари транспорт воситалари орқали йўлларда содир бўладиган ҳар хил кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олишга алоҳида эътибор беришмоқда.



СУРАТЛАРДА: сардор, милиция майори Ибодулла Сатторов янги топшириқни ижро этиш учун ошқоқда; йўл-патруль хизмати катта нозирини Толмас Атоев ўз постига ҳамма серга; сардор Ибодулла Сатторов, бўлима сардори Равайн Топшўлатов ва йўл-патруль хизмати нозирини Алишер Саломов доимо йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олишга интилишад.

Зохир ТўРАКУЛОВ олган суратлар.

### Қалам тўғрилиқка йўл кўрсатгани учун доимо унинг боши кесилиб, пастга бўлиб туради. Алишер НАВОИЙ.



### ЮРТ КОРИГА ЯРАГАН

Биз зарекатлик қариялар «Адолат» ганистия тўғрисидаги Фармони туфайли Анвар Эшматов озоликда чиқди. Акс ҳолда бир инсон тақдири поймол этилган бўларди.

### ЭЛИМ ДЕБ ЯШОВЧИ ИНСОН

Биз Паркент тумани фуқаролари газетангизда босилиб чиққан Паркент автокорхонасининг собиқ раҳбари Анвар Эшматов ҳақидаги мақолани ўқиб чиқдик. Бу мақоланинг чиқishi Паркентда дарров шов-шувга айлиб кетди.



### «ИНСОН ТАҚДИРИ ҲАҚИДА»

Бўлиб кетганлигининг гувоҳимиз. Чунки Анвар Эшматов шу қорхонада 5 йил ишлаган бўлса, доимо халқ орасида бўлар эди. Ҳоҳ катта эътибор бериларди. Шанба-якшанба кунлари Анвар Эшматовнинг ўзи автостанцияга келиб туриб оларарди. Қор қалин ёққан кунлари эса транспорт юришидан элим, юртим деган ёниб яшаб ишлаган одам жиноятчи бўлиши мумкинми?

### НОҲАҚ ТАҲҚИРЛАНДИ

Хурматли Таҳририят! «Адолат» газетаси мустақил мамлакатимизда ҳуқуқий давлатчилик тамойилларини ва инсоний муносабатларни тарғиб қилиб, ҳаётга тадбиқ қилишда олдинги сафларда бораётир.

### АЙБНИНГ АСОСИ ЙЎК

Мен газетадаги мақолада Анвар Эшматов тўғрисида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ўқиб, ҳуқуқшунос сифатида ўз фикримни айтишни бунчидек ҳисоблайман.

Ҳуқуқшунос сифатида ўз фикримни айтишни бунчидек ҳисоблайман. Чунки мен Анвар Эшматовнинг адвокат сифатида барча воқеалар ва суд жараёнидан хабардорман.

### СОҒЛОМ АВЛОД, СОҒЛОМ ОИЛА

Пойтахтдаги «Маҳалла зийси» ўқув-услубий марказида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси томонидан республика Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб кетадиган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини амалга оширишга бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди.

Маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раислари, фаоллар, вазирликлар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган маъмур семинар-кенгашда Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорини амалга ошириш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар, ҳусусан, репродуктив соғлиқ ва соғлом оилани шакллантириш масалаларида эркакларнинг ўрни ва масъулиятини ошириш масалалари атрофида муҳома қилинди.


### Гуёҳвандлик — иллат

#### ХАЛТАДАГИ «ОҚ АЖАЛ»

Наманганлик Холиқжон Туропов 26 ёшда бўлишига қарамай адою тамом бўлди. Гуёҳвандликка берилиб, ҳаётини издан чиқарди. Ҳеч қачон ишларидан оила, икки нафар фарзанди бор қимса учун бундан-да, ортиқ, бундан-да қайғули мусибат бўлмас керак.

Бир томонда оилани боқиб, фарзандларини едириб-ичириш, кийинтириш керак. Иккинчи томонда ҳар қатраси тилло нарҳида турадиган героинини сотиб олиб, уни томирига шприц билан юбориб туриши даркор. Боз устига бу ишнинг белгиланган вақтида амалга ошириши лозим. Агар вақтидан ўтса борми бутун вужуди титраб оғриқ тутиб ўзини қўйгани жой тополмай қолади. Шундай пайлар унинг ҳаётида тез-тез содир бўлиб туради.

Холиқжон таъбир жоиз бўлса, героинга бўлган ҳурматини босиб учун нима иш дуч келса қилаверадиган одат чиқарди. Қулларнинг бирини у «Бекобод» деҳқон бозорига юрганида Насим Исмилом тожик йигити билан танишиб қолди. Улар узаро тил топишиб, гурунлашиб учун фурсат ажраттиди. Ички тенгдош бир-бирларига дил ёриб, роса ҳасратлашибди. Бунинг қарангки, икковларнинг ҳам дарди бир экан. Биргалашиб «героин-хўрлик» қилишди. Кейин Насим Холиқжоннинг кўйига қўл солиб кўрди:



16,8 грамм. Уни Тошкентга олиб борасан, эвазига...  
— Ҳўш, намуна чайналасан. Уша «эвази»гани тезроқ айтсангчи?  
— 100000 сўм етадими?  
— Етади! Қани, халтани бер!  
— Мана ол, уни Бектемир тумани ҳудудига «Бектемир» ДАН пости яқинидаги қаҳва-чага олиб борасан. Сени у ерда ўзим кутиб оламан.  
— Ие, буниси қизик бўлдику, халтани бу ерда ўзингдан олиб, у ерда яна ўзинга топшираманми?  
— Ҳа, худди шундоқ қиласан!  
— Нега уни ўзинг олиб кетавермайсан?  
— Мен Тожикистон фуқаросиман. Шундай бўлгач, сал чўчийманми!  
— Унда келишдик. Хизмат ҳақимни қаерда оламан?  
— «Омонат»га хиёнат қилмай «товар»ни эгасига топширган жойингда-да!  
Холиқжон халтани қўлтиқлаганча манзилга ошди. Айтилган қаҳвага «омонат»ни олиб келди. Бироқ уни эгасига топшириб, эвазига юз минг сўмини олиш унга nasib

Сирождидин САДИРОВ, Жинорий ишлар бўйича Тошкент шаҳар судининг судлов хайъатидан раислик этивди. Мурод КАЛОНХОНОВ, «Адолат» муҳбири.